

# ИНСОН ВА ҚОНУН

Адолат ҳар ишда  
ҳамроҳимиз ва  
дастуримиз  
бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.odliya.uz | 2017 йил 29 август • сешанба № 37 (1085)

## Мустақиллик

## МОҲИЯТИ



# Тинчлик бўлсин!

*Гар бир оила тинч бўлса, юрт сокин, дунё бутун —  
Тонгни кафтида тутиб қарши олар ҳар одам.  
Уруш олови ёниб, кўкни тутмасин тутун,  
Бешикдаги боладай осуда ётсин олам!*

*Озод юртим бошида эрк қўйиш сўнма, балқ!  
Очиққўл эл жаҳонга тутар ризқу рўзини.  
Тошкентнинг елкасига Ер рамзин ўрнатган халқ,  
Керак бўлса қўтарар Она-Ернинг ўзини!*

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йиллиги олдида

## Ота-оналар ва кексаларга Ғамхўрлик қилиш

инсонийлик бурчимиз ва юридик мажбуриятимиздир

ОТА-ОНА жамиятнинг асосий бўғини бўлиши оила бунёдкорлари сифатида мамлакатимизда иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Шунинг учун ҳам республикамизда нафақат халқимизга хос аниёна ва қадриятлар, балки бажарилиши умууммажбурий бўлган ҳуқуқий асослар орқали ҳам ота-оналарнинг ҳуқуқлари кафолатланади.

Ушбу ҳуқуқий асослар ичида Конституциямиз муҳим аҳамиятга эга. Конституция бошқа қонунларга асос бўлиб хизмат қилиб, улар учун дастурийлашмаган қоидаларни белгилаб беради.

Конституциявий нормалар ижроси ўлароқ ўтган давр мобайнида Оила кодекси (1998), “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” (1993), “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжман тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонулар қабул қилинди, 2000 йилдан ҳар беш йилликка мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури қабул қилинмоқда.

2002 йил “Қариларни қадрлаш йили”, 2015 йил эса “Кексаларни эъзозлаш йили”, деб эълон қилинди.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги Фармони билан Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашларни соғломлаштиришга йўналтирилган маблағларининг 30 фоизини пенсионерларни, биринчи навбатда, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ўз тизимидаги санаторийларда соғломлаштиришга (шу жумладан, дори воситалари олиш учун) ҳар йили йўналтириш, шунингдек, меҳнаткашларнинг уларга ажратилган йўлланмаларини ота-оналарини соғломлаштиришга юбориш ҳуқуқини бериш

тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Мазкур Фармон билан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига пенсияга чиқадиган ходимларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларга зарур моддий ва ижтимоий кўмак бериш, меҳнат жамоасининг жамият ҳаётида фаол қатнашиши, шунингдек, ҳар йили пенсионерлардан, айниқса, яқка-ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга эсдалик совғалар бериш, уларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, санатория-курортда соғломлаштириш ва даволашни ташкил этиш, шунингдек, муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштириш ва бошқа ижтимоий аҳамиятли тадбирларни амалга оширишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юкланди.

Пенсионерлар билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ҳаётини муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этишга ёрдам бериш мақсадида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, қорхона ва ташкилотлар раҳбарларига пенсияга чиққан ходимларини раҳбарият томонидан қабул қилиш жадвалларини ҳар ойда тасдиқлаш вазифаси юкланди.

2016 йил 28 декабрда Давлатимиз раҳбарининг “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорда кексалар ва ногиронларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор вазифалари белгила-

ниб, 2017-2020 йилларда кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланди. Унга қўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўкимликлари ёлғиз ва кам таъминланган кексаларнинг “Нурилий” жамғармаси орқали киши кишим ва поёбзал (куртка, ярим пальто, мўйна-телпак (жўн рўмол), қўлоп, ботинка), шунингдек, (картошка, пиёз, ун, гуруч, ёрма ва биринчи навбатда зарур бўлган бошқа маҳсулотлар) билан ҳар йили таъминлашини назорат қиладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни асосий озик-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, Кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастурини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомлар тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 июлда “Кексаларни соғломлаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил этиш бўйича нодавлат пансионати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори қабул қилинди. Кексаларни соғломлаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил этиш бўйича нодавлат пансионатлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг намунавий рўйхатлари тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда).



**LexUZ on-line** Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш  
аҳолининг ҳуқуқий саводдонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш гарови

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

LexUZ ҳақида | Нашрлар | Маълумотномалар | Қонунчиликнинг мавзули каталоги

МАМЛАКАТИМИЗДА қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тезкорлик билан тарқатиш, ижрочиларга ва аҳолига уларнинг моҳияти ва мазмунини тушуниришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган куни ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунириш хати, ўзгариш ва қўшимчаларнинг тушунирилган ҳолдаги таққослаш жадвали) қоғоз ва электрон шаклда Адлия вазирлигига юборилиши, Адлия вазирлиги, ўз навбатида, бир кунлик муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказилишини таъминлаши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига 2017 йилнинг 25 сентябридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилиши инобатга олиниб, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказига қонун ҳужжатларининг Миллий базада расмий нашр этилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қарорда келтирилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариш мақсадида Адлия вазирининг буйруғи билан чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нафақат ўзбек ва рус тилларидаги матни, балки эҳтиёждан келиб чиқиб уларнинг инглиз тилидаги норасмий таржимасини ҳам жойлаштириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказининг моддий-техника базаси ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида Адлия вазирининг буйруғи билан унинг тузилмаси янгидан тасдиқланди.

Тузилмада аҳолининг ҳуқуқий маданиятини изчил юксалтириш, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчилик ҳамда ижрочиларга ўз вақтида ва самарали етказиш мақсадида Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига юридик ишлов бериш бўлими ташкил этилди.

Бўлим таркиби тўртта гуруҳдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифалар юклатилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш ва давлат органлари электрон шаклда етказиш гуруҳи ходимларининг асосий вазифаси қабул қилинаётган ҳужжатларнинг матнларини Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига бир кунлик муддатда жойлаштиришдан иборат.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат ҳолатини таъминлаш гуруҳи ходимларининг асосий вазифаси эса Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида мавжуд ҳужжатларнинг назорат ҳолатини таъминлаш — яъни қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни ўз вақтида амалга ошириш ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаш гуруҳи ходимлари Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилган ҳужжатларга код берадилар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик корректорлаш гуруҳи мутахассислари эса Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилган ҳужжатларнинг тўғри ва сифатли эканлигини назорат қиладилар.

Ҳусусан, мазкур гуруҳ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа характердаги ҳужжатлари, Конституциявий суд ва Олий суд қарорлари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари матнларининг аниқ ва тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказининг олдинги тузилмасида бу вазифа бир нафар ходимга юклатилган бўлса, эндиликда ушбу иш ҳажминини гуруҳ — яъни тўрт нафар ходим амалга ошириши белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, жойлаштирилаётган ҳужжатлар сифатли ва аниқ бўлишини таъминлайди.

Бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг барчаси қабул қилинаётган ҳужжатлардан аҳолини хабардор қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини етказиб бериш ва албатта, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,  
Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш  
маркази масъул ходими

Ёшлар — Ватан ишончи, миллат сўянчи

## Боланинг бегонаси бўлмайди



ВОЯГА етмаганлар тарбиясини яхшилаш, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳўкимлигининг 2017 йил 11 августдаги мажлис баённомасига биноан пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Сирғали ўқув спорт техника клуби унитар қорхонасида вояга етмаганлар ўртасида “Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш

оромгоҳи” ташкил этилди. Унга Сирғали туман ИИБ-да профилактик ҳисобга олинган вояга етмаган ёшлар, диний оқимларга мансуб оила фарзандлари ҳамда икtidорли фаол ёшлар қамраб олинди.

Бу ҳамкорлик лойиҳаси доирасида тарбиявий ишлар, ҳарбий-ватанпарварлик, ҳуқуқий маданият ва маънавиятни тарғиб қилувчи тадбирларга кўпроқ эътибор қаратилди. Мазкур йўналишдаги тарбиявий ишларда “Ўқ отиш” спорт мусобақаси, “Модель” спорт турлари бўйича мастер класс дарслари ва мусобақаси, ҳужжатли фильмлар намойиши, пиёдалар учун йўлларда ҳаракатланиш дарслари ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

Адлия минбари

ОРЗУ-ҲАВАСНИНГ ҚУЛИ ЭМАС,

МАЪЛУМКИ, халқимиз орзу-ҳавасли халқ. Шу боис ҳали боласи туғилмасиданоқ унинг яхши кунларини, бешигу, ақиқаларини, туйларини ўтказишни ўйлайди, бунинг учун йиғинади. Албатта, бу эзгу гоя, яхшиликка йўғрилган орзу-ҳаваслардир. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам борки, у ҳам бўлса айримларнинг шундай орзу-ҳаваслари ўзларини уларга қул бўлишга олиб келмаётимикан? Зеро, бутун ривожланган давлатларда одамлар болаларнинг билим олишига, замонавий касб-хунар ўрганишига, қўйинг-чи, ўз йилини топиб кетишига, бировага қарам бўлмаслиги чора-тадбирларини кўраётган бир пайтда бизда айримлар бутун ҳаётини боласи туғилганидан бошлаб унинг бешик тўйини ўтказиш, ақиқа қилиш, унга сеп йиғиш, дангиллама тўй ўтказиш фикри-хаёли билан банд бўлиб қолмоқда. Натигада канчадан-канча одамлар озига қаноат қилмай, муносиб ишларини ташлаб ўзларини бозорга урмоқда, катта даромад элгаб чет элларда ишлаб юрмоқда. Афсуски, айрим ҳолларда айнан мазкур "эзгу гоя" сабаб оилалар ажралиб кетмоқда. Чунки бир ҳолатда хотин турмуш ўртоғини келгусида болаларининг тўйини қилиш учун яхши пул топмаслиқда айбала, бошқа ҳолатда катта даромад топаман, деб чет элга чиқиб кетган эр у ердан ё касал орттириб келмоқда ёки бошқа оила қуриб қолиб кетмоқда. Баъзи ҳолларда бир кунлик тўй қилиб орзу-ҳавас қўраман, деб айрим аёллар одам савдоси қурбони бўлмоқда.

Фикримизча, бундай ҳолатларга чек қўйиш учун, авваламбор, тарихимизни чуқур ўрганишимиз зарур. Шундай экан, тарихчи олимлардан ўзбек заминидан минг йиллар мобайнида тўй ва бошқа маросимлар қандай ташкил қилингани, айниқса, Ватанимиз гуллаб-яшнаган, ҳақонга машхур олиму улаомларни воёга етказган Ал-Бухорийлар, Ал-Хоразмийлар, Берунийлар, ал-Фарғонийлар, Термизийлар, Темурийлар даврларида бундай маросимлар қандай ташкил қилингани, бунда мутасаддилар, маҳалла-қўй, динимизнинг ўрни ва роли қандай бўлгани ҳақида илмий изланишларни қўйишга, ўйлаймизки, ҳақлимиз. Чунки халқимизни "ўз ёғига ўзи қовурилиб ётиши"га олиб келадиган бундай зарарли удум ва аъёнларни фақатгина миллат ва халқ душманларига нафақат бўлиши мумкин.



соҳиби бўлинг!

санъати, театр, рассомчилик, адабиёт, шеърят, мусиқа санъати, телевидение ва радио, таълим-тарбия орқали юқоридагидек салбий ҳолатларга кенг курашиш чора-тадбирларини кўриш лозим. Афсуски, айрим ҳолларда баъзи юқоридаги санъат намуналари эзгуликка чорлаш ўрнига, аксинча, "оммавий маданият"ни, дабдабазоликни тарғиб қилувчи воситага айлиниб қолаётгани ҳам сир эмас, албатта.

Телевидение ва кино санъати орқали ривожланган чет эл мамлакатларида ўтказилаётган ихчам тўй ва бошқа маросимлар ҳақида, айниқса, оилалар топаётган маблағларини фарзандларининг билим олишига, замонавий касб-хунарларни, ахборот технологияларини, чет тилларини ўрганишига, спорт, соғлом турмуш кеңиришига сарфлаши, ёшларни ўзи пул топиб, уни аёб ишлатишига, савоб ишларни қилишга, қийналган, кам таъминланган, оғир беморларга ёрдам беришга ишлатишга яққол мисол бўлган туркум телефильмларининг намоёни этилиши фойдадан ҳоли бўлмасди.

Зухра АЗИМОВА, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

— Синфдошларим билан кечки соат 21:00 ларда кўчага чиқдик. Камилла исми дугонамнинг синфдошлари бор эди. Улар тез-тез тунги барларга бориб спиртли ичимлик истеъмол қилиб туришар экан. Уша кун илар менга ҳам спиртли ичимлик ичишни таклиф қилишди, — дейди 9-синф ўқувчиси Одина Валиева. — Шундан сўнг тобим қочиб шифохонага тушдим. Шифокорлар милицияга телефон қилишди. Кейин мен профилактик ҳисобда турувчи ёшлар каторига қўшилиб қолдим. Оилада энг катта фарзандман. 16 ёшли ўзбек қизи кўчада спиртли ичимлик истеъмол қилиб юриши ёмон оқибатларга олиб келишини тушуниб етдим. Жуда ҳам афсусдаман.

Мадина ҲАМДАМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

Ота-оналар ва кексаларга Ғамхўрлик қилиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ёлғиз кексалар ва ногиронларга Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, "Саховат" ва "Муруват" интернат уйлари ташкил қилинган. Кексаларни бепул санаториякурорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома қабул қилинди.

нинг ҳаққи йўқ", "Аждодларга хурматсизлик ахлоқсизликнинг биринчи белгисидир", деб бежиз айтишмикин. Шу маънода миллий қадрият ва анъаналаримизни билган, ўзбекона андиша ва уят, ор-ному деган тушуначаларни ҳис қилган ҳар бир инсонда ўз-ўзидан савоб туғилиши мумкин: бу ҳам-манинг инсоний, фарзандлик бурчи-ку, нахотки, буни қонунчиликда ёзиб қўйиш шарт бўлса? Бироқ Асосий қонунимизда мазкур нормани ёзиб қўйишга, фикрлимизча, қуйдагилар асос бўлиб хизмат қилган: биринчидан, Конституциямиздаги мазкур норма нафақат юридик маънада эга, балки юксак маънавий-ахлоқий юкламага эга. Яъни, бу

инсонийлик бурчимиз ва юридик мажбуриятимиздир

бўлса, меҳнатга лаёқатсиз бўлса моддий таъминлаш мажбурият юқовчи тусга эга бўлади. Бунинг учун фарзандлар меҳнатга лаёқатли, воёга етган бўлиши лозим. Иккинчидан, Асосий қонунимизда фақатгина давлат ҳаётига оид қондаларни эмас, балки жамият ҳаётига оид қондаларни ҳам ўз ичига олган. Учинчидан, Конституция қондалари нафақат 5-10 йил, балки келгуси юз йилликларни ҳисобга олиб яратилди. Агар ҳозирги "оммавий маданият" хуружларини, баъзи бир тур-

ота-онага ёрдам бермаса, судга бериб, мажбурий ёрдам бериш ҳуқуқи берилади", деб қўшиб қўйишни илтимос қилган. Чўқроғонлик Т.Ғаниев, киномеханик О.Бахроновлар эса "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбуриятлар" сўзидан кейин "ва қонун олдига жавобдорлар", — деб қўшиб қўйишни таклиф қилган. Тошкент шаҳаридан пенсионер Б.Ахмедов "Ота-оналар ҳақида болаларнинг масъулияти қучлорқ қўрсатилиши керак. Илоҳи бўлса уларга нисбатан қандайдир қонуний чора кўриш айтилсин. Бу масалада дахлдор бўлган ташкилотлар, идоралар ва муассасаларни жалб қилиш ҳақида ҳам кўрсатиб ўтилсин", — деган мулоҳазани илгари сурди. Марғилон тиббиёт билим юртининг 135 нафар ўқувчиси номидан келган қатлибда "Ота-онасини қаровсиз қолдиргани учун фарзанднинг оиллигидан 50 фоиз жарима ундириш масаласи киритилиши керак", — деган фикр таъкидлановди. Фуқаро К.Мирзаханов, А.Рахимов, Т.Ҳўжаевлар "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган вақтда боқишга ва уларни ёлғиз қолдирмасликка мажбуриятимизда", дейилса мақсадга мувофиқ бўларди", деган таклифи берган. Бироқ мазкур таклиф ота-оналарнинг ҳуқуқларини чегаралаб, фақат меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганларидоғина фарзанди унга қарши лозим деган фикрни келтириб чиқарар эди. Конституцияда берилган тахир тўғри ифодаланган бўлиб, ота-оналарга нафақат меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда, балки қос вақтларида ҳам ғамхўрлик қўрсатиш мажбуриятини фарзандлар зиммасига юкляди.

Албатта, айрим тақлифлар кейинчалик мазкур конституциявий нормани амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиб берадиган қонунчиликни қабул қилишимизда, ҳусусан, Оила ҳамда Жиноят қос декларларининг тегишли моддалари шакллантиришда эътиборга олинди. Бу табиий ва мантиқий бўлиб,

мад манбаи мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар ўз ота-онасига ғамхўрлик қилишга мажбурият. Ғамхўрлик нафақат моддий, балки маънавий қўллаб-қувватлашни ҳам ўз ичига олади. Фақатгина меҳнатга лаёқатсизлар бундан озод қилиниши мумкин. Меҳнатга лаёқатсизларга 16 ёшга етмаганлардан ташқари, пенсия ёшига етган (умумий асосларда эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга етганларида), ёки I ва II гуруҳ ногиронлари қиради. Конституцияимиздаги мазкур қондалар Оила кодексининг бир қатор нормаларида ўз ривожини топади. Ҳусусан, мазкур кодекснинг 109-116-моддаларида асосан воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-оналаридан қўриқиб қолган ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт қилинади. Айрим ҳолларда ўз ота-онасини қариялар уйига олиб бориб қўйган ёки улар қариялар уйида бўлса-да, хабар олмайдиган фарзандлар борлигига ғувоҳ бўлмасди. Бундай инсонларнинг фикрича, қариялар уйида дегани гўёки уни ўз ота-онасига ғамхўрлик қилиш мажбуриятидан озод қилди. Оила кодексига асосан ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамонда эчкилиги билан ота-онаси ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам қўрсатиш мажбуриятдан озод қилмайди.

Кўнунчилигимизда воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлардан ундирилётган алимент мажбуриятини ҳам талаблар аниқ белгиллаб қўйилган бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи макдорнинг ундан қисминдан кам бўлмаслиги керак. Шундай вазиятлар ҳам бўлади, ота-оналар касал бўлиб ёки зарур ҳаётий эҳтиёжлари нуктаи назаридан харажат қилишга тўғри келади. Бироқ ҳар доим ҳам улар ўз эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш имконига эга бўлар-вермасликлари мумкин. Шунинг учун ҳам Оила кодексига қўйилган болалар ота-онасининг касаллиги ва бошқа узрли сабабларга қўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт. Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар томонидан қўшимча харажатлар ихтиёрий равишда қопланмаса, талаб қилинаётган сумма суд тартибидан ундирилиши мумкин, — деб мустахкамлаб қўйилган. Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноят кодексининг 123-моддасида воёга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин қилган, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига буюнган ундирилиши лозим бўлган маблағни бериб қўйиб ўлган орққ мулдат мобайнида тўламамаслиги, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараварига камқорда жарима ёки ун юз олтинчи соатга мажбурий ажалот ишлари ёхуд ун йилгана одам тўзатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган. Маънавийтимиз муқаддас динимиз билан ҳам уйғун бўлиб, ота-онага бўлган ҳурмат ва эҳтибор ҳам инқисиди ҳам бирдек қадрланади. Мазкур масала бўйича ҳорихий тахрирнинг тахрир қилган бўлса, бирорта ҳам ривожланган демократик давлатлар конституцияларида болаларнинг ўз ота-оналарига нисбатан бурчлари муостахкамланганини учратмайсиз. Чунки Фарбада шаклланган қарашларга қўра, ота-она фарзандини воёга етказганидан сўнг ҳар иккала тараф мустақил бўлиб, бундан буюёга ҳамма ўз аврасини ўзи тортиши лозим. Уларда асосан, ота-оналарнинг фарзандлари қайд этилган. Албатта, биз бу ерда мазкур мамлакатлар қонунчилигини танқид қилиш фикридан йирқоқимиз, чунки ҳар бир давлат қонунчилиги ўзининг миллий-тарихий анъаналари ва қадриятлари устуворлигидан келиб чиқиди. Ҳулоса қилиб айтганда, фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари оид конституциявий норма асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналаримиз, қадриятларимиздан олинган бўлиб, фарзандларнинг, авваламбор, маънавий-ахлоқий бурчи, қоварваса, юридик мажбуриятини ўзида акс эттиради.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА, юридик фанлар номзоиди





Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

2018 йил учун таянч докторантура ва докторантура институтларига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

Table with 2 columns: Code and Name of specialties. Includes fields like 'Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи', 'Конституциявий ҳуқуқ', 'Маъмурий ҳуқуқ', etc.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига Таянч докторант сифатида қуйидаги шахслар қабул қилинади:

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига Таянч докторант сифатида қуйидаги шахслар қабул қилинади:

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— ариза; — қисқача биографик маълумот; — меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусخаси (ишлаган талабгорлар учун);

да камида иккита тезисга эга бўлиши.

Докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— ариза; — қисқача биографик маълумот; — меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаган талабгорлар учун);

Кирish имтиҳонлари чет тили бўлиши (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассисликдан иборат бўлади.

Адлия нашрлари

Энг зарур эҳтиёж

БУГУНГИ кун тараққиёт жамиятда янги муносабатларни вуқудга келтирмоқда ва ушбу муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш зарурияти юзага келмоқда.

ни ишлаб чиқиш мақсадида Президентининг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

"Адолат" нашриёти 2009 йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" — "Собрание законодательства Республики Узбекистан" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" — "Сборник международных договоров Республики Узбекистан" расмий даврий нашрларини ҳам чоп эта бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди муассислигида чоп этилаётган "HQUQU va BURCH" ижтимоий-ҳуқуқий журнали мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, адолат, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ислохотларнинг фалои широкисига айлантириш борасида қизгин фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами — "Собрание законодательства Республики Узбекистан" расмий нашри шунинг билан иборат бўлиб, биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди муассислигида чоп этилаётган "HQUQU va BURCH" ижтимоий-ҳуқуқий журнали мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, адолат, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ислохотларнинг фалои широкисига айлантириш борасида қизгин фаолият кўрсатиб келмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, икки-чирлар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишда янгича ёндашувлар-

ни ишлаб чиқиш мақсадида Президентининг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосан ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ва устувор вазифалар белгилаб берилди.



ди. Ҳуқуқий мавзулар мушоҳадали фикрлар орқали ўзига хос услубда, ҳаётий мисоллар билан аҳолига тушунтириб берилмоқда.

Муъаррирлар билан аҳолиларнинг мустақамлаш тахрирларининг доимий эътибориди масалалардан биридир. Шу мақсадда махсус рунлар ташкил этилган бўлиб, уларда ўқувчиларни қизиқтирган саволларга тегишли мутахассислар томонидан тайёрланган жавоблар, ҳуқуқий масалалар чоп этилмоқда.

Хар икки нашр ҳам "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да жамоатчилик билан алоқаларни мустақамлаш, фуқароларнинг муносабатлари билан ишлашда масъулиятни қўчайтириш мақсадида аҳоли муносабатларидаги муаммоларни ёритишга алоҳида ўрин ажратмоқда.

Кўпинча фуқароларимиз қонунобузрилиши, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига дуч келишганида ҳуқуқшунос маслаҳатига эҳтиёж сезишади. Ёки янги қонунлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлардан бебабарлик ҳам муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Юқоридаги ҳуқуқий наслар нарфат ҳар бир давлат идораси ва ташкилоти, балки, ҳар бир оиланинг оилавий кутубхонасидан ўрин олиши зарур! Зеро, ўзи яшаётган мамлакатнинг қонуниликни мукамал билан ва ундаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиб бурган фуқаро, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, бурчларини яхши билади, ҳар бир ишда, муносабат вазиятларда ҳам шойимлай, оқилона фикр юритади. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳуқуқий билим инсон учун ҳаётда сув ва ҳаводек энг зарур эҳтиёждир.

Алижон ОЧИЛОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги

Мустақил изланувчилик қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

Table with 2 columns: Code and Name of specialties. Includes fields like 'Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи', 'Конституциявий ҳуқуқ', 'Маъмурий ҳуқуқ', etc.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчилик қуйидаги расмийлаштирилади:

Малайрига эга бўлганлар.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчилик қуйидаги расмийлаштирилади:

Қисқача биографик маълумот; Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчилик сифатида расмийлаштириш учун маъмурий ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

— иш жойидан тавсифнома; — Таалабгорлар мустақил изланувчиликка мутахассислик бўйича сўхбат натижалари ва тегишли кафедранинг хулосаси бўйича университет ректори буйруғи билан, шунингдек, таълимнинг ўрганилган олдинги даражасида чет тили бўйича имтиҳон натижаси бўйича расмийлаштирилади.

Маълумотлар учун қийматли манба мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 13 уй, 3-ўқув бино, ТДҚУ, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш бўлими. Тел.: 233-66-36. Ўчк: (1042, 1043)

ASAKA BANK advertisement. Features the bank logo, the slogan 'ҚҲРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!', and details about the 'Mustaqillik Bayrami' (Independence Day) promotion. It lists various branches and their contact information, along with a list of services offered.

КЎНГИЛ ХАЗИНАСИ

УЙИНИ янгитдан безашни истаган бир япон тахта деворнинг битта томонини олиб ташлади. Японларнинг уйларидаги деворлар одатда тахта ёки гипсдан ишланади, иккитаси ёнма-ён қўйилади ва ўртага озгина бўш жой ташланади.

тақасакни кузата бошлади. Шунда қаердандир бошқа бир калтакесак пайдо бўлди. Оғзида егулик олиб келиб, миғра қисилган шеригига берди. Бу манзарани кўриб турган киши хайратдан ёқасини ушлади. Наҳотки! Ахир, одамлар оиласидан, яқинларидан меҳр-муҳаббатини аяб турган замонда қандайдир бир калтакесак миғра қисилиб, яримжон бўлиб қолган шеригини ташлаб кетмасе? Бу қандай меҳр, қандай севги бўлди?



ҚАДРНИНГ ҚИММАТИ

БИР болақай ҳар кун катта олма дарахти ёнида ўйнашни жуда яхши кўради. Шоҳларига чиқиб олма ер, туш маҳали соясида мизғир экан. Хуллас, болақай олма, олма эса болақай билан ўйнашни жуда яхши кўриб қолибди.

бошпана қилишим керак. Менга ёрдам бера оласанми? — Уэр, пулим йўқ-да, аммо шоҳларимни кесиб, ундан уй қурсанг бўлади, — дебди дарахт. Киши олма дарахтининг барча шоҳларини кесиб олиб, хурсанд бўлганча ортига қайтибди. Дарахт уни бахтиёр кўрганидан жуда шодланибди. Аммо... анчагача ёлғиз қолибди.

ДАРЁ БЎЛИБ ЯШАНГ

УСТОЗ ҳамisha ҳаётдан нолиб юрадиган, ўзини бахтсиз ҳисоблайдиган шоғирдига пиёлада сув узатди-да, унга бир сиқим туз аралаштириб, татиб кўришни буюрди. Йигит айтилган ишни қилди.

— Ҳўш, шўрлиги сезилдими? Мазаси қанақа экан? — Ажойиб. Шўри йўқ бўлиб кетди, умуман сезилмади. Бу сўзлардан мамнун бўлган устоз насаҳат қилди: — Ҳаёт қийинчиликлари бир сиқим туздек гап. Қалбингни кенг қилсанг, билинмай кетади. Ҳаётда мисоли бир пиёла сув эмас, дарё бўлиб яшашни ўрган.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ЭРГАШЕВА тайёрлади.

Footer section containing contact information for 'INSON VA QONUN' magazine, including phone numbers, website, and address details.